

# Turkiston

1925-yildan chiqa  
boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati  
Markaziy Kengashining nashri

[www.turkiston.uz](http://www.turkiston.uz)

2014-yil 2-avgust, shanba  
№ 60 (15802)



Корея Республикасининг  
Тэджон шаҳрида якун-  
ланган математика  
бўйича халқаро фан  
беллашувида ўқувчила-  
римиз умумжамоа ҳисо-  
бидаги иккинчи ўринни  
кўлга киритишиди.

## Математика Олимпини забт этишди

Нуфузли беллашувда  
дунёнинг 31 мамлакатидан  
олти юз нафарга  
яқин мактаб ўқувчиси  
қатнашди. Кувонарлиси,  
Ўзбекистон жамоаси мусобақага  
илк бор таклиф  
етилиб, дастлабки ури-  
нишдаёқ юқори натижани  
қайд этди.

Юртимиз шарафини  
химоя килиш учун ном-  
зодлар «Билимлар бел-  
лашви»нинг бу йилги  
голиблари орасидан са-  
раланди. Эслатиб ўт-  
миз, «Билимлар белла-  
шви» Ўзбекистон Рес-  
публикаси Халқ таъли-  
ми вазирлиги томонидан  
ўқувчilar билимини  
синовдан ўтказишнинг  
муқобил шакли сифати-  
да жорий этилган бўлиб,  
бир неча йилдан бўён  
фан олимпиадалари ти-  
зими асосида ўтказиб  
келинмоқда. Жорий йил-  
да мазкур мусобақанинг  
худудий босқичида ети  
минг нафар ўқувчи қат-  
нашди. 520 нафари  
голиб бўлди. Ўз навбати-  
да, бу ўқувчilar Корея-  
даги Халқаро математика  
мусобақасига йўллан-  
мани кўлга киритиш учун  
ўзаро курашдилар.

Икки босқичда ташкил  
етилган махсус танлов  
натижаларига кўра, энг  
юқори балл тўплаган тўрт  
нафар ўқувчи — Самар-  
қанд, Фарғона, Қашқадарё ва  
Бухоро вилоятлари — терма  
жамоага киришга мусобақа  
бўлди. Улар халқаро мусобақага  
математик олимпилар иштирокида тай-  
ёрланиши. Махсус маш-  
гулотларда алгебра, геометрия,  
сонлар назарияси, математик мантиқ,  
комбинаторика, тўпламлар назариясига доир  
мурракаб масалаларни  
ешишнинг илгор усувлари-  
ни ўрганиши.

Халқаро математика  
мусобақаси шартларига  
биноан, иштирокчилар-

нинг билими якка ҳамда  
жамоавий тарзда синов-  
дан ўтказилди. Биринчи  
турда ўқувчилардан ўн  
бешта масалани индиви-  
дуал ҳолатда ишлаб бе-  
риш талаб қилинди. Тер-  
ма жамоамиз аъзолари  
орасидан фарғоналик Жа-  
сурбек Имомов энг яхши  
натижани курсатиб, мусо-  
бақанинг кумуш медалига  
сазовор бўлди. Шунингдек, Китоб туманидаги  
1-ихтисослаштирилган  
мактаб-интернат ўқувчи-  
си Юлдуз Нематова ҳамда Олот туманидаги  
31-ихтисослаштирилган  
мактаб-интернат ўқувчи-  
си Даврбек Олтибоев топширикларни жуда  
яхши бажаргани учун  
махсус сертификатлар  
 билан тақдирланиши.



Жасурбек Имомов



Юлдуз Нематова



Даврбек Олтибоев



Сардор Сайтулов

Тэджон шаҳрида бўлиб  
ўтган Халқаро математика  
мусобақаси голиблари Тошкент халқаро аэропортида  
Халқ таълими вазирлиги, оммавий ахборот во-  
ситалари ходимлари ва жамоатчилик вакиллари  
иштирокида тантанали кутиб олindi.

Наргиза УМАРОВА,  
«Turkiston» мухбири



«Abituriyent — 2014»

## Ўқишига иштиёқи баланд ёшлар сафи кенгаймокга

1 август куни мамлакатимиздаги  
барча олий ўқув юртларида тест  
синовлари бўлиб ўтди

Президентимиз Ислом Каримов раҳ-  
намолигида амалга оширилаётган кенг  
кўламли ислоҳотлар турли соҳаларда  
етук билим ва малакали, ўз касбининг  
устаси бўлган илгр мутахассисларга  
талабни йилдан-йилга ошироқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси ҳузуридаги давлат тест мар-  
кази маълумотларига кўра, бу йил Тер-  
миз давлат университетига абитуриент-  
лардан энг кўп — 27 минг 552 ариза туш-  
ган, Жizzax давлат педагогика институ-  
тига 22 мингдан зиёд, Андижон давлат  
университетига 21 мингга якин, Қарши  
давлат университетига 20 минг 656, Тош-  
кент давлат педагогика институтига 19 минг 720 ариза қабул қилинган. Буларнинг барчаси Президентимиз ташаб-  
буси билан мамлакатимиз таълим тизимида  
кечаётган ислоҳотлар ёшларнинг билимга чанқоқлиги, олий маълумот  
олишга бўлган интилишини тобора кучайтиришдек эзгу мақсадларга хизмат  
қилаётганини намоён этмоқда.

Шу билан бирга, абитуриентлар ўт-  
садаги танлов Тошкент тиббиёт академиясининг Фарғона филиалида 1 ўринга  
20,7 кишини, Қарши давлат универ-  
ситетида бир ўринга 16,6, Термиз дав-  
лат университетида бир ўринга 16,3, Гу-  
листон давлат университетида бир

ўринга 15,4 нафарни ташкил этиб, бу  
мамлакатимиздаги энг юқори кўрсат-  
ки бўлди.

Таълим соҳасидаги ислоҳотлар жа-  
раёнида реал иқтисодиётнинг турли  
жабхалари, меҳнат бозоридаги мавжуд  
талаб ва эҳтиёждан келиб чиқсан ҳолда  
юқори малакали мутахассислар тайёр-  
лашга уступор вазифа сифатида эъти-  
бор қаратилмоқда. Ўқув-тарбиявий иш-  
лар муттасил тарзда такомиллаштири-  
либ, жаҳон андозалари ва замон талаб-  
ларига мос бўлган таълим стандартла-  
ри амалиётга жорий этилмоқда. Фан,  
таълим, ишлаб чиқаришнинг ўзаро ин-  
теграциялашуви таъминланадётгани  
ёшларнинг билим олишга интилиши то-  
бора ортишига туртки бермоқда. Ҳар  
йили ижтимоий-иқтисодий жабхалар  
учун долзарб бўлган соҳалар бўйича  
янги ихтисосликларни ташкил этишга  
aloҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан,  
2014-2015 ўқув йилида Тошкент ар-  
хитектура-курилиш институтида «Кий-  
мат инженеринг», Тошкент давлат аг-  
рар университетида «Доривор ўсимликларни  
етиштириш технологияси» каби  
янги йўналишларнинг очилгани фикри-  
мизнинг далилидир.

(Давоми 2-саҳифада)



Imkoniyat

# Ёш тадбиркор глобус ишлаб чиқаришни йўлга кўйгу

— Танловда турли полиэтилен пакетчалар ишлаб чиқаришга мўлжалланган кичик корхона ташкил этиш бўйича тайёрлаган бизнес режим билан қатнашдим. Экспертлар бизнес режимни молиялаштириш учун «Кишлеккурилишбанк» очик акциядорлик тижорат банки томонидан 30 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратиб бериш таклифини билдиришди. Агар ушбу кредитни олсам, олти нафар тенгдошимни доимий иш билан таъминлайман, — дейди Янгийўл хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ўқувчиши Ёқутхон Калонхонова.

Бугун Ёқутхон каби ташаббускор, ишбилиармон ёшларимиз «Ёш тадбиркор — юрга мададкор» танловида қатнашиб, ўз бизнесини йўлга кўймоқда. Янги иш ўринларини яратиб, тенгдошларини ҳам иш билан таъминламоқда. Шу сабаб мазкур танловда иштирок этиш истагини билдираётган ёшлар сони ҳам йилдан-йилга кўпайиб боряти.

Бу йил Тошкент вилоятидан 270 нафар йигит-қиз тадбиркорлик билан шуғуланиш учун ўз бизнес режаларини танловга тақдим этган. Уларга вилоят «Ёш тадбиркор» консультатив маркази томонидан тадбиркорликка оид семинар-тренинглар ташкил этилиб, зарур маълумотлар берилди. Ҳар бир туман ва шаҳардан энг яхши бизнес реже музалифлари танловнинг вилоят босқичида ишти-



рок этди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти кенгаши, Савдо-са ноат палатаси, вилоят марказий банки, «Хунарманд» ўюн месси ҳамкорлигида ўтказилган ушбу босқичда танлов иштирокчилари учун уч кун-

лик маҳсус семинар-тренинг ташкил этилди. Улар билан соҳанинг тажрибали мутахассислари машғулотлар олиб бориб, тадбиркорликни тартибига соловчи меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар билан та нишиширишди. Рўйхатдан ўтиш тартиби, кичик бизнесни со лиққа тортиш, бизнес режа тушунчаси ва унинг структураси ҳамда керакли техник жиҳозларни сотиб олиш тартиблири ҳам тушунириб берилди.

Иштирокчилар семинар давомида гурухларга бўлинган ҳолда ўз бизнес режаларини янада таомиллаштириш учун қайта ишлашди.

— Дунёдаги илк глобусни Беруний бобомиз яратган. Мен ҳам бобомизнинг йўлини танлаб, глобус ишлаб чиқарадиган корхона очдим. Бунгунга танловда ҳам талаба, ҳам раҳбар, ҳам тадбиркор

сифатида қатнашяпман. Мақсадим бутун Ўзбекистонни корхонамиз маҳсулотлари билан таъминлаш, қолаверса четга экспорт қилишдан иборат. Банкдан кредит олиб, корхонамизни янги, замонавий жиҳозлар билан таъминламоқчиман. Бунинг натижасида ўнта янги иш ўрни пайдо бўлади, — дейди «Зиё-глобус» хусусий корхонаси раҳбари, Тошкент шаҳридаги Түрин политехника университети талабаси Бобур Зокиров.

Танлов якунида ҳар бир иштирокчи ишчи гурух олдида ўз бизнес режасини тақдим этди. Ўн уч нафар йигит-қиз танловнинг республика босқичига йўлланма олди.

**Ашурали БОЙМУРОДОВ,**  
«Turkiston» мухбири.  
Рустам Назарматов  
олган суратлар.

## «Kamolot» loyihalari

«Ўзметкомбинат» ОАЖдаги «Камолот» ЁИХ бошлангич ташкилоти комбинат касаба ўюшмаси билан ҳамкорликда пўлат симлар ишлаб чиқариш цехида «Мустаҳкам оила — баркамол авлод пойдевори» мавзууда давра сұхбатини ташкил этди. Тадбир Соғлом бола йилига бағишиланди.

## Эртамиз учун фойдалу

Унда Бекобод туман оиласи поликлиники, ФХДЕ бўлими вакиллари, туман бош имом-хатиби, комбинат раҳбарияти иштирок этди. Ёшлар билан сұхбат жараёнда мутахассислар ҳар бир оиласида тибий маданиятни юксалтириш, оиласарнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, шунингдек, бугунги кунда аёллар орасида учраётган касалликларнинг олдини олиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар ҳакида сўз юритиши. Ўз навбатида, цехнинг ўш ишчиходимлари оиласа тайёргарлик ва турмуш муммалари, жамиятда «мустаҳкам оила» тушунчасини қадрият сифатида қарор топтириш, фарзанд тарбияси, баркамол авлодни вояга етказиш каби масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Тадбир сўнгидаги мутахассислар ёшларнинг саволларига жавоб қайтишиди.

**Бекзод КОДИРОВ,**  
«Ўзметкомбинат» ОАЖ «Камолот» ЁИХ  
бошлангич ташкилоти етакчиси

## Саргузаштлар ороли

Саргузаштлар ороли фақат денгиз ёки океанларда бўлади, деб ўйлайсизми? Чин кўнгилдан хоҳласангиз, уни исталган жойда сиз ҳам ташкил этишингиз мумкин. Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида яшовчи болалар ана шундай ишга кўл уришиди.

«Камолот» ЁИХ Шайхонтоҳур туман кенгаши йўналиш сардорлари «Езни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида тумандаги 262-умумтаълим мактаби қошидаги «Қалдирғоч» ёзги болалар соғломлаштириш оромгоҳида «Саргузаштлар ороли»ни барпо этишиди. Тадбир давомида ўтказилган эстафета ўйинлари, қизиқарли тест синови ҳамда савол-жавобларда сардорлар билан бир қаторда болажонлар ҳам фаол қатнашди. «Саргузаштлар ороли»да жами олтига — «Тантана», «Сеҳрли мўйқалам», «Моҳир кўллар», «Пантомима», «Билағон» ва «Жамалак» деб номланган оролчалар бўлиб, улардаги турли қизиқарли ўйинлар тадбир иштирокчиларига бирдек завқ улашди.

Жумладан, «Тантана» оролчасида барча турли қувноқ мусика ҳамда мультфильм қаҳрамонлари ижросидаги кўшикларга рақсга тушди. «Сеҳр-

ли мўйқалам» оролчасида эса турли мавзуларда расм чизиш танлови ўтказилди.

«Моҳир кўллар» оролчасида болажонлар рангли қоғозлар, бисер ҳамда турли матолардан ўйинчоқлар тайёрлашди. «Пантомима» оролчасида «Маънавият ва маърифат» йўналиши сардори Сайдазис Ўлмасов барчанинг кўз ўнгидаги кулиги ва аъло кайфият улашувчи «Кувноқ масҳарабоз» образида намоён бўлди.

«Билағон» оролчасида билағон болалар учун викторина ва қизиқарли тест синовлари ташкил этилди. Энг сўнгги «Жамалак» оролчасида эса қизалоқлар учун чиройли соч турмаклари яратилди. Шунингдек, тадбирда болажонлар иштирокида «Делфин», «Иссиқ картошка», «Сув остида гапирамиз», «Ҳар соҳадан бир шингил», «Ер ва осмон», «Энг катта шар», «Ким эпчилу ким чаккон?» сингари бир-биридан қизиқарли ўйинлар ташкил этилди.

Тадбир сўнгидаги лойиҳа доирасидағи танлов ва интерфаол ўйинларда иштирок этганлар ҳамда оролча қаҳрамонларига «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Шайхонтоҳур туман кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

Ушбу ноанъанавий тадбир ёшларнинг ижодий-интеллектуал қобилияларини ривожлантириш ҳамда жисмонан чиниқтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,**  
ЎзДЖТУ талабаси

## Hududlardan mujdalar

**Вилоятда корхона, ташкилот ва муассасалар ўртасида мини-футбол бўйича ўтказилётган «Камолот» кубоги» мусобақасининг худудлараро минтақавий босқичи бўлиб ўтди.**

Унда Андижон вилоятининг Булоқбоши туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими жамоаси, Наманган вилоятининг «Наманганномаҳсулотлари» ОАЖ жамоаси, Фарғона вилоятининг «Фарғонаазот» ОАЖ жамоаси майдонга тушди. Мусобақа якунида мезбон жамоа биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўринни Наманган вилояти жамоаси кўлга кирилган бўлса, учинчи ўрин фарғоналилк футболчиларга насиб этди.

Мусобақада иштирок этган барча жамоалар «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгашининг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

**Қарши шаҳридаги Санъат коллежида «Камалак»нинг митти юлдузлари» номли концерт дастури бўлиб ўтди.**

Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги олдидан мактаб ўқувчиларининг ёзги таътилини мазмунли ташкил этиш, ўш иқтидор эгаларини кашф этиш мақсадида ўтказилган ушбу тадбир вилоят «Камалак» болалар ташкилоти ташаббуси билан амалга оширилди. Концерт дастурида «Камалак» болалар ташкилоти томонидан ўтказилаётган танловларда ғолиб бўлган ўш истеъодод соҳиблари чиқишилди.

**Гулистон маданият ва истироҳат буғида «Ҳашар — ёшларга ярашар» шиори остида акция бўлиб ўтди.**

Акция иштирокчилари боғ ҳудудини чиқиндилардан тозалаб, дараҳтларни оқлашди, шоҳшаббаларни чиқариб ташлашди. Иштирокчилар ҳашардан сўнг мириқиб дам олишиди. Уларга боғ маъмурияти музқаймоқлар тарқатиб, аттракционларда учиш имкониятини берди. Шу куни вилоят бўйлаб кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди. Жумладан, кам таъминланган, бокувларини йўқотган оиласар, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиниди.





Жавонимдаги китоблар орасидан учта хат чиқди. Ёзувлари кўчиб, ранги униқиб кетган конверт кўзимга чўғдек кўринди. Дугонамни соғинганимда бу хатларни қанча излагандими а! Қадрдан битикларни ўқиб, Айнуранинг ўзини учратгандай бўлдим. У билан Эллик-қалъа туманидаги «Орол болалари» оромгоҳида дўстлашгандик. Бир йилча хат ёзишиб турдик, кейинги мактубларим негадир жавобсиз қолиб кетди. Ҳаётда баъзан шундай дўстлик ҳам бўлар экан, майли, уни ҳар куни кўрмай, ёнида бўлмай, аммо у доим қалбимда, хаёлан мен билан бирга. Айнур ҳам худди шундай эди, уни ўзимга жуда яқин олгандим.

«...Кечак туш кўрибман, — деб ёзибди у иккинчи хатида. — Да стурхон атрофида ота-она мен ҳакимда гаплашагапти. Улар мени узатишмоқчи экан. Қизик, нега бундай туш кўрдим? Балки бу кечак уйку олдидан онами эслаганим учундир. У киши ҳаёт бўлганларида...

Ўртоқ, хавотирланма, баъзан хомхаёллигимни ҳисобга олмаганди, ҳаммаси яхши. Мехрибонлик уйида яшашим, билим олишим учун имкониятлар етарли. Минг шукр, кам-кўстим йўқ, тарбиячи опаларим ҳам жуда меҳрибон...

Мана, хатларни бирин-кетин ўқияпман-у, уларни тугатишга шошилмаяпман. Кўнглимдан ўтаётган бир гап бунга изн бермаяпти: қанийди, хатдаги бу дийдорлашув онлари хечам тугамаса!..

Бугун Қорақалпоғистон Республикаси Ҳўжайли туманидаги 1-Мехрибонлик уйига йўл олдим. Биринчи мақсадим — дугонамнинг хабарини билиш ва уни излаб топиш бўлса, иккинчиси, шундай эсли-хуши, тарбияли, ақлли қизни камолга етказган тарбия ўчигини ўз кўзим билан кўриш.

Атрофи боғлар билан ўралган икки қаватли оппоқ бино узоқдан мени ўзига чорлади. Тоза, соя йўлаклар бўйлаб бу даргоҳга кириб бораман. Ичкаридаги муҳит янада жонли. Турли расмлар, гуллар, гилам Мехрибонлик уйи ҳақидаги илк тасаввурни ўйтотди. Мени очиқ чеҳра билан кутиб олган тарбиячи Назира Абдужамилованинг ширинсуханилиги эса уни янада бойитди.

— Ҳозир болалар уйқуда, қизим, — деди опа мақсадимни билгач. — Улар тургунча сизни ўйимиз билан таништирсан. Нима дейсиз?..

Назира опа менга озода ошхона, бассейн, рақс, компьютер, ёш китобхон, тикувчилик, гулчилик, инглиз, рус тили тўғаракларини кўрсатди. Опанинг айтишича, ҳозир Мехрибонлик уйида шундай тўғараклар сони ўн тўртта экан. Уларда 111 нафар бола хунар ўрганмоқда.

— Мехрибонлик уйи 1992 йилда ташкил этилган. 180 ўринга мўлжалланган. 2004 йилда қайта таъмиранди, — дейди тарбиячи опа Ширин Гайпова. — Шароитлардан болаларнинг кўнгли тўқ. Бу ерда улар ҳам билим олади, ҳам хунар ўрганади, яъни бўш вақтларини мазмунли ўтказади. Шу боис тарбияланувчиларнинг ҳаммаси қобилиятли: бири рақсга тушади, бошқаси шеър ёзади, расм чизади, кимдир боксчи, футболчи, чемпион. Мана, бурчақдаги плакатда аълочи, иқтидорли болаларнинг суратлари бор. Кўрасизми?..

Н. Ўтемуродова, М. Абдуллаев, А. Курбанова — кикбоксинг бўйича Қорақалпоғистон чемпионлари. Ойбек Копеев сузиш бўйича бир қанча мусобақалар



# 111

## боласи бор ўй

**БИР БОЛАГА ЕТТИ  
МАҲАЛЛА ОТА-ОНА**

— Мен эртак ўқияпман, — деб сарик куйлакли қиз китобини кўрсатди.

— Бу китоб эса Холмурод Сапаровнинг шеърлари.

— Қизик эканми?

— Ҳа, ҳа, — дейишди бирвакайига.

— Бу ерга ҳар куни келасизларми?

— Йўқ, факат бўш вақтларимиз, — деб ростини айтди Азиза.

— Азиза, дўстларинг ҳам китобни яхши кўрадими?

— Ҳа.

— Ҳаммаси ҳам эмас, — сарик куйлакли қиз эркаланиб гапирди. — Масалан, Мақсет китоб ўқишини хоҳламайди. У футболни бўлмоқчи.

— Унга тўп тепиш учун ҳам китоб ўқиши кераклигини тушунтирмайсизларми?

— Тушунтиридик.

— Нимага унда...

Улар жимиб қолишиди. Кўзлари чақноқ сингилларим билан гаплашиб, ўзимни шунчалар енгил ҳис килдимки, бир зум болалигимга қайтгандек бўлдим. Бу кайфият, ҳис мени рақс тўғарагида ҳам тарқ этмади. Тўғаракда жажжи қизалоқлар «Овулда тўй» рақсини ўрганаётган экан. Беш яшар Раънонинг айтишича, улар 4 августда Туркманистанда ўтказиладиган «Овоза» танловида қатнашиш учун тайёргарлик кўришяпти.

— Дутор чаламан, рақсга тушаман, — дейди ўн тўрт ёшли Наримон. — Катта бўлсам, учувчи бўламан. Самолётимда тарбияни опаларимни, дўстларимни узоқ-узоқларга саёҳатга олиб бораман.

Даргоҳдаги болаларнинг нијатлари, орзулари ёзгу, ўзларидек самимий, беғубор. Чунки уларни бу ердаги тарбияни опалари, устозлари шундай тарбияланувчи. Уларга халақит бермай, дедим-да, спорт майдончасида футбол ўйнаётган болалар сари ошиқдим.

«Қий-чув» овозлардан ҳам билинадики, ўйин қизғин ўтаяпти. Уларнинг моҳирона тўп тепиши, бир-бирига узатишини кўрган киши борки, футболимизнинг эртанги келажагига ишонади, қалбida шулардан жаҳон чемпионлари чиқади, деган ният ўғонади. Ўйинга берилиб, ёнимдаги болани кўрмабман. У негадир мунғай-иб ўтирар, кўзи майдонда бўлса ҳам, хаёли бошқа ёқда эди. У билан гаплашгим, сирлашгим келди-ю, дилига озор беришдан чўсидим.

Айтинг-чи, шундай тиришқоч, беғубор болаларни яхши кўрмай бўладими?

Дилшода опанинг кўзи ёшланди. — Кечиравсиз, кўнглим бўш, — деди опа. Унинг дилидаги гапни тушунгандек бўлдим. Эътиборимни қизларга қаратдим.

— Қандай китоблар ўқияпсиз? — дедим ёнларига бориб.

— Абдулла Қодирийнинг «Жинлар базми» китобини, — деди жингалак сочли озғин қиз.

**БИР БОЛАГА ЕТТИ  
МАҲАЛЛА ОТА-ОНА**

Кўпни кўрганлар шундай де-ишиади. Бу дегани бола тарбиясига нафақат ота-она, балки жамият, маҳалла, қўни-қўшни — ҳамма масъул. Чунки улар эртамиз, фаровон ҳаётимиз давомчилари. Жамиятда битта носоғлом, тарбияси оғир бола уграйдими, ҳаётимизнинг қайсири қисми заарланди, яъни ўша калтак баривар бизга тегади. Бугун ушбу ҳаққатни кўпчилик билади ва улар Мехрибонлик уйида тарбияланувчи болаларга меҳр беришга, ёрдам кўрсатишга ошиқади. Ҳар йили юқори идора ва ташкилотлар, турли мусасасалар болаларга моддий ёрдам беради. Яқинда тўқсон нафар тарбияланувчи ёзги оромгоҳларда белуп дам олиб қайтди. Ҳозир ўтизаси Тошкент вилоятидаги «Нурафшон» оромгоҳида ҳордиқ чиқараётир. Ўн нафари олий ўқув юртларида билим олмоқда.

Болаларнинг кувончи учун жон кўйдираётган ва уларга имкониятлар эшигини очаётган давлатимизга, меҳрибон инсонларга таҳсиллар айтгинг келади.

Кечки овқатни болалар билан бирга тановул қилдим. Меҳр билан қозонларда қайнаган иссиқ шўрва, ошнинг таъми оғзимда қолди. Сўнгра кўғирчоқ театрининг «Ақлли бола ва типратикан» спектаклини томоша қилдим. 2011 йилда «Ийлинг энг яхши Меҳрибонлик уйи» деб топилган ушбу даргоҳнинг чиндан ҳам энг яхшиларидан эканлигига амин бўлдим.

Улкан таассуротлар билан алламаҳал дугонамнинг эшигини тақиллатдим. Эшик очилди. Қўлида боласи билан дугонам Айнур жилмайиб туради. У турмушга чиқиб, иккита фарзанднинг онаси бўлибди.

### ХУЛОСА

Бувам эрта оламдан ўтганлар. Бувим ўн иккита фарзандни бир ўзи ўстириб, уларни ўйлантириб, уйли-жойли қилди. Бугун бир бурда нонни ўн учга бўлиб еган кунларини кулиб эслайди. Боиси ҳозир у киши ёруғ кунларда, болаларининг камолини кўрмоқда. Агар ўшанда бувим қийинчиликларга енгилиб, болаларини Меҳрибонлик уйига топширганида нима бўларди? У кишининг бундай қилишига ишонмайман-у, мабоддо шундай бўлганида бугун бувим бу қадар баҳти бўлмасди, деб ўйлайман...

**Кумар БЕГНИЯЗОВА,  
«Turkiston» мухбири**

2014-yil — Sog'lom bola yili

# Тиббий маданиятнинг аҳамияти

Мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни ва мавқеи иқтисодий омиллар билан белгиланади. Бироқ ҳалқ ва миллатнинг, бинобарин, мамлакатнинг қудрати, потенциал имкониятларини кўрсатиб берувчи бошқа сабаблар ҳам бор. Масалан, аҳоли ўртасида тиббий маданиятнинг қай даражада шаклланганига қараб унинг келажагини тасаввур қилиш мумкин. Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, деган пурмањо ҳикматнинг мағзини чақиб кўринг-а...

Аҳоли саломатлигини таъминлаш, ёш авлод ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бутун юртимизда умуммиллий ҳаракатга айланган, десак муболага бўлмайди. Бу фақат мутасадди идора ва ташкилотларнинг, мутахассисларнинггина иши эмас, барчамизнинг бурчу вазифамиз эканини юртдошларимиз кундан-кунга яхшироқ англашмоқда. Тиббиёт муассасалари, уларда меҳнат қилаётган мутахассислар эса бу борада оддий кишиларга ўрнак бўлишлари, аҳоли ўртасида тиббий маданиятни шакллантиришда асосий ишни бажаришлири керак.

— Туманимизда 108ta қишлоқ ва маҳалла бор, уларда истиқомат қилаётган салкам 130 минг аҳолига хизмат кўрсата-

миз, — дейди Дехқонобод туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Ганишер Умрзоков. — Уларнинг соғлиғи ўзлари учун қанчалик зарур бўлса, биз, шифокорлар учун ҳам шунчалик мухимдир. Аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини мустаҳкам қарор топтириш, зарур маслаҳатлар бериш ишимиз асосини ташкил этади. Негаки, касалликларга чора топиш мумкин, бироқ одамлар онгида тиббий маданиятни тўла шакллантирмас эканмиз, умумий мақсадларга эришишимиз душвордир. Юртдошларимиз соғ-саломат бўлсалар, энг мухими, ҳамиша тетик, дадил, соғлом бўлиб юриш учун нималар қилиш лозимлигини кундалик юмушларни билгандек билсалар, шунинг ўзи катта баҳт.

Тумандаги Оққишлоқ, Торқапчигай, Хўжабарлос, Хўжаипок, Кизилча, Дўконхона, Алмат, Оқсув каби туман марказидан узоқда жойлашган қишлоқларга юздан зиёд шифокор ва 1065 нафар ўрта маҳсус маълумотли тиббиёт ходими хизмат кўрсатиб келмоқда. Уларнинг кўпчилиги тажрибали, олий ва биринчи тоифали тиббиёт ходимларидир.

Фуқароларга 297 ўринли марказий касалхона, 150 қатновга мўлжалланган кўп тармокли поликлиника ва барча қуайликларга эга 18ta қишлоқ врачлик пункти, санитария-эпидемиология станцияси, кўплаб дорихоналарда хизмат кўрсатилаётти.

Президентимиз ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги туфайли аҳолига тиббиёт хизмат кўрсатиш яхшиланниб бормоқда. Биргина кейинги йилларда туманинг ўзида «Саломатлик — 2» лойиҳаси бўйича 586 миллион сўмлик, «Саломатлик — 3» лойиҳаси доирасида 680 миллион 499 минг сўмлик тиббиёт асбоб-ускуналар келтирилди. Тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда.

Марказий касалхонада қуайликларга эга бўлган

11ta бўлим ишлаб турибди. Айниқса, Соғлом бола йилида тажрибали шифокор Хусан Норматов раҳбарлик қилаётган 47 ўринли болалар бўлимида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, терапия, неврология, шошилинч тиббиёт ёрдам, туфруқхона, реанимация, гинекология, диагностика, юкумли қасалликлар, хирургия, тез тиббиёт ёрдам, физиотерапия бўлнимларида беморларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

Саломатлик посонблари орасида қирқ йиллардан бери фидойилик билан хизмат қилаётган кўли енгил шифокорлар анчагина. Тажрибали хирурглар Хуррам Зулфиков, Нормели Шарипов, олий тоифали шифокорлар Нурия Суярова, Моҳира Муҳаммадиева, акушер-гинекологлар Ҳаловат Эсонова, Маъмура Кўзибоева, тажрибали шифокорлардан Абдумалик Эгамшукоров, Үрол Мустафоев, Шавкат Амиров, катта ҳамшира Махсума Худоёрова, Лола Маҳмудова, Сайёра Саломова шулар жумласидан.

**Шавкат КАРОМОВ,  
«Turkiston» мұхбири**



## Ҳисобли дўст айрилмас

Аргентина ҳукумати қўшни мамлакат фондлари билан мамлакат қарздорлигини қайта кўриб чиқиш борасида келишувга эриша олмади.

Бу Аргентинада дәярли дефолт (қарз олувчининг қарз олиш ҳақидаги келишув шартларини бузиши, қарз мажбуриятлари бўйича тўловларни ва бошқа шартларни бажара олмаслиги) ҳолати ўзага келганини билдиради. Мамлакат иқтисодиёт вазири Аксел Киселиоф фуқаролар келажagini хавф остига кўймаслик мақсадида ҳукумат «Ииртқич фондлар» билан битим имзоламаслигини маълум қилди. Эслатиб ўтамиз, дефолт ҳолати Аргентинада 2001 йилда ҳам кузатилган. Ўшандаги мамлакат ҳукумати 95 миллиард доллар миқдоридаги қарзини тўлай олмаган эди.

## Янги кинопарк қурилади

Хитой ҳукумати кельт услубидаги кинопарк қуриш ва Канн кинофестивали ўхшаш ўзининг ҳалқаро киноанжуманини ташкил этилишини эълон қилди.

Анжи шаҳрида амалга ошириладиган лойиҳа учун ҳукумат таҳминан бир миллиард доллар атрофида маблағ сарфлашни режалаштирган. Киношашарчани куриш ишларида хитойликлар Канн кинофестивали ташкилотчилари билан ҳамкорлик қилди. Кинопарк худудида маҳсус «француз майдони» ташкил этилиб, унда Франция тарихи ва маданиятига оид фильм ҳамда рекламаларни намойиш этиш кўзда тутилган.

## Ҳаммаси ўзига боғлиқ

«Манчестер Юнайтед» клуби ва «Adidas» компанияси ўртасида тузилган ўн йиллик ҳомийлик шартнома келажаги маълум бўлди.

Унга кўра, ҳар йили «МЮ» 750 миллион фунт-стерлинг миқдорида маблағ олиши лозим эди. Аммо инглизлар келаси мавсум ҳам ЕЧЛга чиқа олмаса, «Adidas» бу маблағни учдан бирига камайтиришини маълум қилди. Шунингдек, шартномада, агар «МЮ» премьерлигадан тушиб кетса, ҳомийлик шартномасининг бекор қилиниши ёки қуий лигада ўтказилган мавсум учун иккى баробар кам пул тўлашини кўзда тутилган. Мабодо, инглизлар ЕЧЛ ёки Англия кубогида голиб чиқса, қўшимча тўрт миллион фунт мукофот тулиғи олади.

## Янги тадқиқот, янги кашфиёт

Япония геофизик олимлари Ой ядроси суюқ қатлам билан ўралганлигини исботлаб беришди.

Ой ядроси ва қуий мантини орасида ёпишқоқ қисм мавжуд бўлиб, у ядрони хотекис ёпиб турди. Ана шу мухит суюқ қатламдир. Олимларнинг фикрига кўра, у туфайли зилзила тўлқинлари сўнади. Юқпа суюқ қаватнинг пайдо бўлишида ой қаъридаги ишқаланиш сабаб бўлган. Янини у ўз навбатида ердаги гравитация таъсирида содир бўлган. Мутахассислар энди ушбу назарияни фанга олиб кириш учун текшириши керак бўллади. Бироқ у тасдиқланган тақдирда ҳам суюқ қатлам тўрт ярим миллиард йил аввал Ер-Ой тизими шаклланганидан бўён қотиб кетмагани ҳақида саволга жавоб топиб бўлмайди.

**Интернет манбалари асосида  
Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади**

E'tibor

## Кўнгил кўзи очиқ бўлсин

Кўриш қобилияти чекланган бўлса-да, мутолаани севувчи, илму маърифатга ташна юртдошларимиз билан ишлаб шундай хуносага келамиз: гўзалликни кўриш учун кўнгил кўзи очиқ бўлсин экан. Инсон камолотида мухим ўрин тутадиган китоб билан дўстлашиш, уни ҳаётининг мазмунига айлантириш учун ҳам кўнгил пок, унда яхшиликка интилиш туйғуси бўлмоғи керак.

Бугун мамлакатимизда эллик мингга яқин кўриш бўйича имконияти чекланган шахс (1-, 2-гурух ногиронлари) истиқомат қилади. Аксарияти ўқимишли, зиёли инсонлар. Уларнинг китобга, илм ўрганишга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида Республика марказий кўзи охизлар кутубхонаси ва унинг тизимида саксонта худудий кутубхона хизмат кўрсатаяпти. Уларнинг замон талабларига мос тарзда жиҳозлишига эътибор қаратилмоқда. Вилоят марказларидаги кутубхоналар компьютер воситалари билан тўлиқ таъминланган, туманлардаги кутубхоналарнинг эса етмиш беш фоизида шундай шароит яратилган. Қолганлари ҳам шу йилнинг ўзида ахборот-коммуникацион тех-

нологиялар билан тўлиқ жиҳозланиши режалаштирилган.

Бу йил кутубхоналарнинг моддий-техник базасини яхшилаш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Фарғона, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоят кутубхоналарига алоҳида бино ажратилди. Қорақалпогистон Республикасининг Кўнгирот, Жиззах вилоятининг Фаллаорол, Зафаробод, Жиззах туманлари, Андикон вилоятининг Олтинқўл, Марҳамат, Асака, Кўргонтепа ва Бухоро вилоятининг Вобкент туманларидаги кутубхоналар учун қуай шароитларга эга бинолардан жой ажратиб берилди. Вилоят ва туманлардаги кўзи охизлар кутубхоналаридан узоқда жойлашган аҳоли пунктлари учун кўчма кутубхоналар ташкил этилган. Фойдала-

нувчиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш, керакли адабиётларни ўз вақтида етказиш, кутубхонага келиш имконияти чекланган (ногирон) фойдаланувчиларнинг уйларига китоб элтиб бериш учун барча вилоят кутубхоналарининг таъминлаш долзарб масалалардандир. Туман кутубхоналариning кўпчилиги иситилмайдиган биноларда жойлашгани ҳам эътиборталаб ҳолатлардан, деб ўйлаймиз.

Албатта, соҳада ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар ҳам йўқ эмас. Масалан, барча турдаги жиҳозлари янгиланишга муҳтоҷ кутубхоналар бор. Уларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, барча кутубхоналарнинг ўз биносига эга бўлишларини таъминлаш долзарб масалалардандир. Туман кутубхоналариning кўпчилиги иситилмайдиган биноларда жойлашгани ҳам эътиборталаб ҳолатлардан, деб ўйлаймиз.

**Гулойим БЕРДИМБЕТОВА,  
Республика кўзи охизлар марказий кутубхонаси директори вазифасини бажарувчи.**

**Гулруҳсар ҚУРБОНОВА,  
кутубхона ходими.**

E'lon

## ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ 2-АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тошкент молия институти қошидаги 2-академик лицейда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг соғлом овқатлашишини ташкил этиш мақсадида 2014-2015 ўқув йилини 68,1 м<sup>2</sup> майдонли лицей буфетини ижарага бериш бўйича тендер ўтказилади. Тендерда иштирик этишга хоҳиш билдиранг ташкилотларнинг хужжатла-

ри эълон чиқкан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар  
Олмазор тумани Мойкўргон мавзуси Ҳусункор  
кўчаси 5-йй. Тел.: (+99871) 227 92 73.**



Hunari borning xazinasi bor

Инсоннинг меҳри ҳатто темирни ҳам юмшатишга қодир. Хунари энг қаттиқ жисмларни ҳам «бўйсундиради».

Тошкентлик Исмоил Шукурев қарийб ўттиз йилдан бери темирчилик билан шуғулланиб келмоқда. Йиллар унинг қўлида оддий металдан қандай санъат ва

хунармандчилик асарлари яратилганига гувоҳ бўлди.

Кўли гул хунарманд устахонасида устоз-шогирдлик анъанасига амал қилинади. Бугун отасидан темирчиликни ўрганаётган aka-ука Илҳомбек ва Икромжон Иброҳимовлар бу хунар сирларини мукаммал эгаллашга бел боғ

лашди. Оилавий хунармандлар ясаётган темирчилик буюмлари юртдошларимизнинг яхши кунларига хизмат қилмоқда.

**СУРАТДА:** aka-ука хунармандлар иш жараёнида.

**Рустам НАЗАРМАТОВ**  
фотолавҳаси



— Укам апрель ойида хорижга кетган эди. Яқинда унинг олдига бориб келиш учун аэропортга билет оламан деб борсам, чет элга фақат биометрик паспорт билан чиқа олишим мумкинligini айтишди. Бунга уларнинг хукукий асослари борми?

**Алишер, Нуробод туманидан**

Саволга Нуробод туман ички ишлар бўлими XЧК ва ФРБ бошлиғи Зафар Юсупов жавоб беради:

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 6 февралда қабул қилинг.

Туман, Айдинсон вилояти	Азиз неммат	→	7	↓	Шаша идии	↓	Ишсанз, юмушсиз	↓	Юк кўтариш қўрилмаси	↓	... Жонс (боксчи)	↓	Ёз ойи	Кимошибди саводси
1 3 4	9 2 6		7 4		Тахир, чучмал				12 ой					
			1 4											
			3											
4	7 4	8 9	5 9		Аурадгор иш анжоми		Металл турни		Поён, чегара		3 8 7 2 5 6 9 4			
8 2		9 7 6	5 1											
Ўзбек шоири	Тупроқ+сув	Зеб	Гувоҳ,	Овчининг иши	Бошқир-дистон пойтахти	Кимир-лаган қир ...								
Бедор, уйқусиз	→													

Тузувчи: Фахриддин Раҳимов

## МУАССИС:

«КАМОЛОТ»

ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ  
МАРКАЗИЙ КЕНГАПИ

Газета Ўзбекистон Республикаси  
Матбуот ва ахборот агентлигига 2007  
йил 19 апрелда № 0242 рақам  
билан рўйхатдан ўтган.



ISSN 2010-6998  
9772010 699000

## Бош муҳаррир ўринбосари:

Шукурев  
Мехриддин Эшқобилович

### Таҳрир ҳайъати:

Баҳодир Фаниев, Элмурод Нишонов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Коcherгина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодежь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодёжь Узбекистана»), Рустам Қосимов

## Навбатчи муҳаррир:

Кароматов  
Жавоҳир  
Зариф ўғли

### Саҳифаловчи:

Рўзиев  
Зафар  
Хусанович

Газета таҳририят компьютер марказида териди ва саҳифаланди.

## Sport

# ҲАҚИҚИЙ ШАХМАТ БАЙРАМИ

Норвегиянинг Тромсе шаҳрида ўтказиладиган XXXXI Бутунжоҳон шахмат олимпиадаси мусобақалари бугундан старт олиб, 14 августи қадар давом этади.

Мусобақалар ўн бир турдан иборат бўлиб, швейцарча тизимда ўтказилади. Турнирда уч минг нафар шахматчи ғолиблик учун курашади. Мусобақалар давомида FIDEнинг 85-Конгресси ҳам бўлиб ўтади. Унда 181 мамлакат миллий федерацияларининг тўрт юз нафардан зиёд вакили иштирок этади.

## ИРОДАЛИ ГАЛАБА

Қозогистоннинг Тараз шаҳрида бўлиб ўтган эркин кураш бўйича ҳалқаро мусобақада ўзбекистон терма жамоаси вакиллари Дилшод Мансуров ва Ихтиёр Наврӯзов мусобақа совриндори бўлдилар.

57 килограммагача бўлган вазн тоифасида гиламга чиқсан Дилшод Мансуров мусобақа мезбони Сане Артасуни мағлуб этди ва Динмуҳаммад Кунаев хотирасига бағишилаб ўтказилган турнирнинг кумуш медалига эгалик қилди. Ихтиёр Наврӯзов эса 65 килограмм вазн тоифасида рақибини енгиб, бронза медални кўлга киритди.

Үктам ОЧИЛОВ тайёрлади.

## «TURKISTON» САВОЛ БЕРАДИ»

Медиа лойиҳамиз давом этади. Лойиҳа доирасидаги навбатдаги учрашув **2014 йилнинг 5 август** куни «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар кенгаши раиси **Элбек Шукурев** билан бўлиб ўтади. Суҳбатдошимиз ҳақидаги маълумотларни [www.kamolot.uz](http://www.kamolot.uz) сайтида ўқишингиз мумкин.

Савол ва таклифларнингизни [savol@turkiston.uz](mailto:savol@turkiston.uz) электрон манзили ёки (+99871) 233-79-69 телефон рақами орқали кутиб қоламиз.

Энг қизиқарли савол ва таклиф муаллифларни совғалар кутмокда. Ўз позициянгизни намоён этишга шошилинг.

## ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

Кўзойнакни ким, қаҷон ихтиро қилган?

Жавобингизни **5 август** соат 16.00га қадар **233-79-69, 233-95-97** рақамларига кўнғироқ қилиб беришингиз мумкин. Тўғри жавоб йўлланган муҳлислар номи газетамизда эълон қилинади.

**Ўтган сондаги саволнинг жавоби:**  
**Араҳнология.**

Нишон туманидан Шаҳзод Абраҳматов тўғри жавоб йўллади.

## YONDAFTARCHANGIZGA

Аёл — фарзанд тимсолида эрини, эр — фарзанд тимсолида хотинини севади; ҳар иккаласи учун ўша фарзанд — муҳаббатнинг ўзидир.

Гегел

Буортма Г-857.

Адади — 6826

Индекслар: 203, 3203

Баҳоси келишилган нарҳда.

Босишиш топшириш вақти — 21.00

Топширилди — 21.00

Ўз якуни — 20.40

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5